



doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a15](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a15)

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН МУХИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

**Ражабов Назиржон Рazzакович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Университет 3.0”халқаро ўқув, илмий-  
инновацион тадқиқотлар маркази  
сектор мудири, и.ф.ф.д.

**Аннотация.** Мақолада инвестицион мұхит жозибадорлигининг моҳияти, таркиби, талқини ва уни башқарышшының замонавий тенденциялари өртілганд. Эркін иқтисодий зоналарда инвестицион мұхит жозибадорлигини башқарыш самарадорлиги даражаси Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари –  $r(sp)$  өрдамида ҳисоблаб чиқылған ва мутлақ бағолаш шкаласи асосида даражаланған. Шунингдек, эркін иқтисодий зоналар инвестицион мұхит жозибадорлигини башқарыш бүйічә тақлиф ва тавсиялар берилған.

**Калып сұзлар:** инвестицион мұхит жозибадорлиги, инвестиция сиёсати, эркін иқтисодий зоналар, инвестицион фаолілік, башқарыш, Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари –  $r(sp)$ .

## К ВОПРОСУ УПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДОЙ В СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ

**Ражабов Назиржон Рazzакович -**  
Ташкентский государственный экономический университет,  
Международный образовательный, научно-инновационный  
исследовательский центр «Университет 3.0», Заведующий сектором,  
доктор философии (PhD) по экономическим наукам

**Аннотация.** В статье описаны сущность, состав, трактовка привлекательности инвестиционного климата и современные тенденции его управления. Уровень эффективности управления инвестиционной привлекательностью свободных экономических зон рассчитывался с использованием коэффициентов корреляции  $r(sp)$  уровня Spearman и ранжировался на основе абсолютной оценочной шкалы. Также представлены предложения и рекомендации по управлению привлекательностью инвестиционного климата в свободных экономических зонах.

**Ключевые слова:** инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика, свободные экономические зоны, инвестиционная деятельность, управление, коэффициенты корреляции уровня Спирмена  $r(sp)$ .

## TO THE QUESTION OF MANAGEMENT OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN FREE ECONOMIC ZONES

**Rajabov Nazirjon Razzakovich -**  
Tashkent State University of Economics, International Educational,  
Scientific and Innovation Research Center "University 3.0",  
Head of Sector, Doctor of Philosophy (PhD) in Economics

**Abstraks.** The article describes the essence, composition, interpretation of the attractiveness of the investment climate and current trends in its management. The level of efficiency in managing the investment attractiveness of free economic zones was calculated using the correlation coefficients  $r(sp)$  of the Spearman level and ranked on the basis of an absolute rating scale. Also presented are proposals and recommendations for managing the attractiveness of the investment climate in free economic zones.

**Keywords:** investment attractiveness, investment policy, free economic zones, investment activity, management, Spearman level correlation coefficients  $r(sp)$ .

**Кириш.** Жаҳон мамлакатларининг иқтисодиётни ҳаракатга келтирүвчи, унинг тараққиётини таъминловчи ва юксак даражада тараққиёт этишида ҳал қылувчи драйвер сифатида инвестицион сиёсатни башқариш мұхым аҳамият касб этади. “Жаҳонда 2019 йилда түғридан-түғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,54 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса-да, 2020 йил якунлари бўйича унинг ҳажми 40 фоизгача пасайған” [1]. Ушбу тенденция мамлакатларнинг инвестицион салоҳияти заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, айни пайтда эркін иқти-

содий зоналар фаолиятини кенгайтириш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қулай инвестицион мұхит яратишга эришмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли молия муассасалари, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари сингари халқаро ташкилотлар томонидан эркін иқтисодий зоналар инвестицион мұхит жозибадорлигини бағолаш ва самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш, эркін иқтисодий зоналарнинг иқтисодий-хуқуқий мақомини ошириш ва улар-

ни оптимал жойлаштириш, инвесторлар учун қулай мұхит яратиш бүйіч тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Ўзбекистонда әркін иқтисодий зоналар инвестиция мұхитини янада яхшилаш, тұғридан-тұғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг инвестицион сиёсат изчилигига бұлған ишончини мустаҳкамлаш ва давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллій иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бүйіч тизимли ишлар амалга оширилмокда. Инвестицион мұхит жозибадорлигини ошириш йұналиши сифатида "мамлакатда инвестиция мұхитини янада яхшилаш, тұғридан-тұғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш күвватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш" [2] бүйіч мұхим вазифалар белгилаб берилган.**

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Миллій иқтисодиётни комплекс ривожлантиришда инвестицион жозибадорликни бошқариш инвестиция сиёсатини самарали юргизишини талаб этади ҳамда иқтисодий тармоқларнинг таркибий ўзгаришларини амалга оширишни таъминлады. Иқтисодиёттің реал сектор тармоқларига инвестициялар оқимини жалб қилиш иқтисодий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омилdir. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатта келтирувчи, уннинг тараққиётини таъминловчи, иш ўринларини яратувчи, ахолининг даромад манбаи шаклланишига ҳисса күшувчи күч экан, барча имкониятларни ишга солиб, иқтисодиёттега йұналтириладиган инвестиациялар җажмини ошириш лозим.

Амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг күламиға қарамасдан, инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқариш, асосан, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепцияларига асосланған ва әркін иқтисодий зоналарни бошқаришнинг ташкилий-услубий жиҳатлашыра алоқида әзтибор қаратылмаган. Бу эса әркін иқтисодий зоналарда инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқаришни чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

Инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқаришнинг мақсади билвосита, тартибга солинувчи воситалар орқали иқтисодиёт тузилма-

сига таъсир этишдан иборат [3]. Инвестицион сиёсат мамлакат ва тармоқ доирасыда давлат томонидан тартибга солиниши, капитални қайта тақсимлаш орқали асосланмаган фарқларни юмшатиши бүйіч тадбирларни ўз ичига олади. Бу эса миллій иқтисодиёттің эңг мақбул тузилишини шакллантиришга хизмат қиласы.

Инвестицион мұхит жозибадорлиги мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланған ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар ийғиндицидир [4].

Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакилларининг назарий қарашларыда инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқариш масалалари анъанавий тарзда тадқиқ этилған. Мавжуд назарий қарашларга мұвоғиқ уларни қуидаги йұналишлар бүйіч таснифлаш мүмкін:

а) макроиқтисодиёт концепцияси нұқтаи назаридан инвестицион мұхит жозибадорлигини ўрганиш;

б) ташқи таъсир омиллари нұқтаи назаридан инвестицион мұхит жозибадорлигини ўрганиш;

в) инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) мезо ва микроиқтисодий омиллари.

Р.Солоунинг иқтисодий ўсиш модели асоцида Халқаро валюта фонди экспертерлари (Р.Жеймс (James R.), Ж.Хайнес (Hines Jr), П.Жонгсанг (Jongsang Park)) [5] томонидан амалга оширилған тадқиқотлар натижалари күрсатишича, турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш омиллари таркибіда инвестицион мұхит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион фаоллик күрсаткчлари таъсирининг улуши 31-46 % миқдорда тебранади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси маъмурний жиҳатдан 14 та минтақа, ижтимоий-географик жиҳатдан эса 6 та минтақага бўлинади. Бу минтақаларда бугунги кунда 22 та әркін иқтисодий зона фаолият юритиб, уларда юқори технологияли, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида юқори қўшилған қийматга эга бўлған, нафақат маҳаллий, балки халқаро бозорларда рақобатдош бўлған маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, ҳудудлар инвестицион мұхит жозибадорлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимиздаги әркін иқтисодий зоналарда умумий қиймати 5466,7 млн. доллар бўлған 773 та лойиҳада 66,7 минг ходим иш билан банд бўлмоқда. Бу кўрсаткични жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, "халқаро ташкилотлар берган маълумотларига кўра, дунёда 3,5

мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 та мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин кишилар меҳнат қиласи” [6].

Мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашда ҳудуд инвестицион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ва маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётiga юқори малакали ишчи кучи жалб қилишни ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали ҳудуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ҳозирги замон илмий адабиёти, меъёрий ҳужжатлар, амалиётда эркин иқтисодий ҳудудларни ифодаловчи хилма-хил атамалар қўлланилади. Улар қаторида энг кенг тарқалгандаридан: “Маҳсус иқтисодий ҳудуд”, “Эркин тадбиркорлик ҳудуди”, “Эркин иқтисодий ҳудуд”, “Эркин божхона ҳудуди”, “Эркин экспорт ҳудуди”, “Технологик ҳудуд”, “Эркин савдо ҳудуди”, “Боҳисиз ҳудуд”, “Қўшма тадбиркорлик ҳудуди”. Жаҳондаги эркин иқтисодий зоналар шакли 1920 йилда 20 хилни ташкил этган бўлса [7], 1990 йилда унинг сони 30 хилдан зиёд [8] шакли илмий манбаларда қайд этилган. Тадқиқот доирасида иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида эркин иқтисодий ҳудудларни таърифловчи 40 дан ортиқ атама борлиги аниқланди.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмунано мояхитини очиб берувчи терминология хилма-хил бўлиб, улар қўйидаги сабабларга боғлиқ:

- иқтисодий зоналар эволюцион тарзда ривожланиб, ўзгариб, такомиллашиб боради;
- иқтисодий зоналарнинг тараққиёти у ташкил этилган ички ва ташқи омилларга боғлиқ;

- эркин иқтисодий зоналарнинг илмий-назарий жиҳатларини тушуниш ва туркумлаш бўйича тарли мамлакатлар ёндашувлари турлича.

Е.Ф. Авдокушиннинг [9] тадқиқотларида эркин иқтисодий ҳудудлар “Маҳсус иқтисодий ҳудуд” сифатида талқин этилган. Уларнинг ёндашуви бўйича бундай ҳудудлар бошқа ҳудудларга нисбатан давлат аралашувининг камайиши ва иқтисодий эркинлигининг ортиши эканлиги асосланган.

Бабинцев ва Валлиулинлар [10] тадқиқотларида эса “Алоҳида иқтисодий ҳудуд” термини қўлланилган. А.Шермуҳаммедов томонидан “Очиқ иқтисодий минтақа” термини ишлатилган [11]. Бироқ очиқ сўзининг рус ва бошқа тиллардаги маъноси эркин иқтисодий ҳудудга мос эмас ва тор маъно касб этади. Жаҳон олимларининг эътирофи бўйича эркин иқтисодий ҳудуд-

ларни очиқ ҳудудлар сифатида ҳам қайд қилиш ҳолатлари мавжуд.

Эркин иқтисодий ҳудуднинг энг муҳим белгилари тўғрисида ҳам бир қатор илмий-назарий ёндашувлар мавжуд. Рус олими С.Г.Овчинникова томонидан “Эркин тадбиркорлик ҳудуди” термини илгари сурган [12], А.Леусский эса “Ўзига хос божхона тартиби ўрнатилган ҳудуд” сифатида қайд этади [13]. Тадқиқотчилар Н.Смородинская, В.Бабинцев, Х.Валлиулинлар эса эркин иқтисодий зонанинг асосий шарти имтиёзларда эканлигини таъкидлайди [10].

Авдокушин томонидан имтиёзли инвестиция муҳити шаклланган ҳудуд сифатида қаралади [9]. Ю.Комлев эркин иқтисодий ҳудудларни муҳим хусусиятидан бири сифатида маъмурий жавобгарликлар минимумга келтирилган ҳудуд деб қарайди ва зоналар фақат экспорт фаолиятига боғланганлигини эътироф этади [14].

Т.Данко ва З.Окуртлар асосий белгиларни ажратишида комплекс ёндашган. Улар ЭИҲни аниқ бир йўналишга мослаштирилган, мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши, ЭИҲда яратилган ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар [8].

ЭИҲнинг энг муҳим қўйидаги 4 та хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аниқ бир ҳудуд доирасида ташкил этилиши ва эгалиги;

- имтиёзлар тизимининг мавжуд бўлиши;
- ўзига хос бўлган тарифлар ўрнатилиши;

ЭИЗ ҳудудидаги инвесторлар фаолиятига давлат органларининг аралашмаслиги ва иқтисодий эркинлиги мавжудлиги.

Жаҳон тажрибасида тўртингчиси хусусият жуда муҳим ҳисобланади. Бусиз ЭИҲ мақоми ҳам сезилмайди. Тадқиқотчилардан В.Игнатов ва В.Буговлар томонидан “ЭИҲнинг алоҳида имтиёзлар тизимиға эга эканлигига катта эътибор бериши лозимлиги”[15] таъкидланади. Маълумки, инвесторлар учун имтиёзлар энг муҳим жиҳатлар билан ҳисобланади. Мамлакатнинг бошқа қисмига нисбатан улар ҳаракатига кўпроқ эркинлик берилмаса, инвесторларни кенг жалб қилишга имкон бўлмайди. ЭИҲларда ҳам инвестицион муҳит юқори даражада куч талаб этади. Бироқ бунинг марказида эркинлигининг хусусияти даражаси ётади.

ЭИЗларни ташкил этишнинг асосий мақсади мамлакатдаги ресурс имкониятлари мавжуд, бироқ етарли даражада иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудуд ёки тармоқларнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантириш, шунингдек, рақобат муҳити шаклланишига кўмаклашишдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугун ЭИЗлардан, нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий-иктисодий сиё-

сат воситаси сифатида ҳам фойдаланилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда гурухлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион, регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усувларидан фойдаланилган. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарда инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқариш самарадорлиги даражаси Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари –  $r(sp)$  ёрдамида ҳисоблаб чиқылди ва мұтлақ баҳолаш шкаласи асосида даражаланди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон бўйлаб COVID-19 пандемияси ҳукм суроётган шароитда барча иқтисодий қадриятлар халқаро ташкилотлар, иқтисодчи олимлар томонидан минтақаларнинг ривожланиши билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Инвестицион жозибадорликни таъминлайдиган индикаторлар сафига хавфсизлик, санитария-гигиена ва аҳолининг соғлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни инобатга олиш бирламчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Инсонларнинг ҳаёти, уларнинг соғлиги, тинчлигини сақлаб қолиши, фаровон турмуш кечириши учун барча чораларни яратиш, хавфсизлигини кафолатлаш ҳар қандай давлатнинг бирламчи вазифаларидан ҳисобланса (танганинг бир томони), уни таъминлашга хизмат қиладиган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, аҳолининг даромад манбанини сақлаб қолиши, инвесторлар мулкини ҳимоя қилиш, мол-мулкига рахна соладиган салбий таъсирларнинг оддини олиш эса танганинг иккинчи томони ҳисобланади.

Дунёнинг етакчи давлатлари тажрибасига кўра, инвестицион мұхит жозибадорлиги ва инвестицион фаолликни оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш аҳамияти катта. 2022 йилнинг январь ҳолатига кўра республикада жами 22 та эркин иқтисодий зона фаолияти йўлга кўйилган ва уларнинг ўзаро рейтингини тузиш асосида бошқарув самарадорлигини аниқлаб бориш зарур.

Эркин иқтисодий зоналар дирекцияси томонидан инвестицион фаолиятни бошқариш тизимини 5 баллик шкала асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ ва улар қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

**K1** – Эркин иқтисодий зоналар дирекция фаолиятининг бошқарув самарадорлиги (эксперт баҳолаш). Баҳолаш жами 5 баллик тизим асосида 6 та мезон бўйича эксперт усулида аниқланади:

X1. Эркин иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан энг мұхим қарорларни қабул қилиш тезлиги (эксперт баҳолаш).

X2. Қабул қилинган қарорларнинг корхона инвестиция стратегиясининг инвестиция-

ларни бошқариш тизими фаолиятига мувофиқлиги.

X3. Ташқи мұхит билан ўзаро таъсир самарадорлиги.

X4. Инвестицияларни бошқариш тизими ни дирекциянинг умумий менежменти билан фаолиятни мувофиқлаштириш даражаси.

X5. Инвестицияларни бошқариш тизими ниң таркиби қисмлари ўртасида тезкор коммуникация ва ахборот алмашинувини таъминлаш (бошқарув жараёни ахборотни қабул қилиш, узатиш, қайта ишлаш ёки фойдаланишин ўз ичига олади).

X6. Эркин иқтисодий зоналар инвестиция фаолиятининг инсон ресурсларини бошқариш тизими (инвестиция қилинган корхона ишчиларнинг малакавийлик даражаси).

**K2** – Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестиция фаоллик даражаси. Баҳолаш жами 5 баллик тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 3 та мезонга кўра баҳоланади:

X7. Моддий ва номоддий активларга инвестицияларнинг нисбати (20/80 фоизгача 5 балл, 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоизгача 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

X8. Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг нисбати (20/80 фоизгача 5 балл; 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоизгача 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

X9. Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғи (20/80 фоизгача 5 балл; 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоизгача 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

**K3** – Эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари. Баҳолаш жами 5 баллик тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 2 та мезонга кўра баҳоланади:


X10 – худудга киритилган жами инвестицияларда иқтисодий зонанинг салмоғи (60 фоиздан юқори 5 балл; 40 фоиздан юқори 4 балл, 30 фоиздан юқори 3 балл, 10 фоиздан юқори 2 балл, 10 фоизгача 1 балл).

X11 – эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган инвестициялар ҳисобига худуднинг иқтисодий ўсиш индекси (0,00-0,03 коэф. – 1 балл, 0,05 коэф. – 2 балл, 0,05 коэф. – 3 балл, 0,07 коэф. – 4 балл, 0,07 коэф. юқори – 4 балл).

Рейтингни аниқлаш бўйича кўрсаткич (K) қиймати танланган мезонлар асосида баҳоланади, хар бир мезоннинг салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган рейтинг мезонлари сонига кўра аниқланади (K), бунда:

$$K = K1 + K2 + K3$$

$$K = aK1 + bK2 + cK3$$



**2-расм. ЭИЗларда ИМЖни бошқариш самарадорлиги даражасини аниқлашнинг инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткич ва мезонлари\***

*Манба:* муаллиф ишланмаси.

Бунда  $0 \leq a, b, s \leq 1$  да бўлиб, уларнинг йиғинидиси бирга тенг:  $a+b+s = 1$ ;

$a, b, s$  – салмоқ коэффициентлари ҳисобланниб, рейтинг баҳолаш учун кўрсаткичларнинг таъсир даражасини белгилаб берувчиdir.

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган рейтинг мезонлари сонига кўра аниқланади ( $K$ ), бунда:

$$a = \frac{1}{11} * 6 = 0,54; b = \frac{1}{11} * 3 = 0,27;$$

$$s = \frac{1}{11} * 2 = 0,18;$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини қўйиб, қўйидагича ёзамиш:

$$K = 0,54 * K_1 + 0,27 * K_2 + 0,18 * K_3$$

Мутлақ баҳолаш шкаласи:

- 0 – қониқарсиз (ўта паст даража);
- 1 – қониқарли (паст даража);
- 2 – ўртача ҳолат (ўртача даража);
- 3 – яхши ҳолат (юқори даража);
- 4 – энг зўр (энг юқори даража).

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

ЭИЗ дирекциясининг инвестицион фаолиятни бошқариш тизимларининг умумий бошқарувига оид кўрсаткичлари ва мезонлари шакллантирилган (2-расм).

Республикадаги эркин иқтисодий зоналар рейтинги тизими асосида эркин иқтисодий зоналарнинг дирекцияси томонидан инвестицион фаолиятни бошқариш ҳолатини аниқлаш имкони мавжуд.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвести-

цион фаоллик кўрсаткичлари бўйича танланган жами 11 та омилнинг аҳамиятлилиги бўйича Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари –  $r(sp)$  ёрдамида ҳисоблаб чиқилади ва мутлақ баҳолаш шкаласи асосида даражаланади. Spearman корреляция коэффициентлари –  $r(K)$  кўйидаги формула (1.1) асосида ҳисобланди:

$$r(X) = 1 - \frac{6 \sum X_n^2}{n(n^2 - 1)} \quad (1.1)$$

Бунда:  $r(X)$  – ЭИЗлар бўйича умумий ўртача баҳолаш натижаларига ҳар бир ЭИЗлар учун аниқланган натижалари ўртасидаги боғлиқлини ифодаловчи Spearman корреляция коэффициенти;

$X$  – ЭИЗлар рейтингини аниқлаш бўйича танланган омиллар бўйича қабул қилинган қийматлар;

$n$  – омиллар сони.

ЭИЗлардаги инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш бўйича Spearman корреляция коэффициентлари  $r(K)$  бўйича рейтинг баҳолаш даражалари фаолиятлар натижаларини аниқлаш ва рейтингини тузиш имконини беради:

А даража қониқарли ( $-0,577 \leq r \leq 0$ ) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг шаклланишига тескари боғлиқлик акс эттиради;

В даража ўртача ( $0 \leq r \leq 0,143$ ) – мамлакатдаги ЭИЗ

С даража яхши ҳолат ( $0,143 \leq r \leq 0,991$ ) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига юқори боғлиқлик акс эттиради.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасидаги эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижалари

ЭИЗлар	$\sum x$	$\bar{x}$ (УМУМИЙ ЎРТАЧА ҚИЙМАТ)	Рейтинг	
			$r(sp)$ кўрсаткичи	Ранг
«Навоий» ЭИЗ	39	3,55	0,709	C
«Чорвоқ» ЭТЗ	30	2,73	0,150	C
«Сирдарё» ЭИЗ	33	3,00	0,991	C
«Зомин-фарм» ЭИЗ	24	2,18	-0,577	A
«Жиззах» ЭИЗ	26	2,36	-0,473	A
«Ангрен» ЭИЗ	29	2,64	0,518	C
«Сирдарё-фарм» ЭИЗ	22	2,00	0,373	C
«Паркент-фарм» ЭИЗ	27	2,45	-0,086	A
«Термиз» СЭЗ	23	2,09	0,100	B
«Бойсун-фарм» ЭИЗ	26	2,36	0,086	B
«Нукус-фарм» ЭИЗ	29	2,64	-0,441	A
«Ҳазорасп» ЭИЗ	25	2,27	0,132	B
«Чирокчи» ЭИЗ	23	2,09	0,364	C
«Ургут» ЭИЗ	25	2,27	0,364	C
«Балиқ ишлаб чикарувчи» ЭИЗ	21	1,91	0,027	B
«Гиждувон» ЭИЗ	21	1,91	-0,077	A
«Наманган» ЭИЗ	26	2,36	-0,332	A
«Косонсой-фарм» ЭИЗ	28	2,55	0,195	C
«Бухоро-агро» ЭИЗ	26	2,36	0,286	C
«Бўйстонлиқ-фарм» ЭИЗ	21	1,91	0,887	C
«Қўқон» ЭИЗ	24	2,18	0,277	C
«Андижон-фарм» ЭИЗ	20	1,82	-0,323	A

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион муҳит шаклланишига паст даражада боғлиқлигини акс эттиради; фаоллик кўрсаткичлари Spearman корреляция коэффициентлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган рейтинг натижалари 2-жадвалда ифодаланган.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижаларига кўра кўп йиллик тажрибага эга бўлган «Навоий» ЭИЗ, «Сирдарё» ЭИЗ зоналари энг юқори рейтингга эга бўлган бўлса, «Ангрен» ЭИЗ, «Ургут» ЭИЗ ва «Сирдарё-фарм» ЭИЗлар инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш бўйича ТОП-5 талиқдан жой олди. ЭИЗларнинг 50 фоизида бошқарув самарадорлиги яхши даражада бўлиб, мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшаётганлиги аниқланди. ЭИЗларнинг инвестицион муҳит жазибадорлигини бошқариш даражаси 18 фоизида ўртача ва 32 фоизида қониқарли эканлиги аниқланди

**Хулоса ва тақлифлар.** Инвестицион муҳит жазибадорлиги мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳолана-диган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғинди-дир.

Иқтисодиётнинг реал сектор тармоқлари-га инвестициялар оқимини жалб қилиш иқтисодий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омилдир. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи, иш ўринларини яратувчи, аҳолининг даромад манбай шаклланишига ҳисса қўшувчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб, иқтисодиётга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш омиллари таркибида инвестицион муҳит жазибадорлигини таъминловчи инвестицион фаоллик кўрсаткичлари таъсирининг улуши 31-46 % миқдорида тебранади.

Республикамиизда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорларида ўз харидорига эга юқори қўшимча қийматли товарлар яратишга, замонавий технологиялар орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон берувчи лойиҳаларга инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратган.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицион фаолиятни бошқаришни баҳолаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- эркин иқтисодий зоналар дирекция фаолиятининг бошқарув самарадорлиги (эксперт баҳолаш);

- эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси;

- эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари.

Эркин иқтисодий зоналарларда инвестицион муҳит жазибадорлигини бошқариш самарадорлиги даражасини аниқлаш инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткич ва мезонларига асосланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари бўйича танланган жами 11 та омилнинг аҳамиятлилиги бўйича Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари  $r(sp)$  ёрдамида ҳисоблаб чиқлади ва мутлақ баҳолаш шкаласи асосида даражала-нади.

Эркин иқтисодий зоналарларнинг 50 фоизида бошқарув самарадорлиги яхши даражада, 18 фоизида ўртача ва 32 фоизида қониқарли эканлиги аниқланди.

COVID-19 пандемияси ва жаҳондаги нобар-қарор геосиёсий вазият шароитида ЭИЗларни ривожлантириш бўйича қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини танлашнинг аниқ мезонлари ва услубий қоидаларини ишлаб чиқиши, инвесторлар учун тақдим этиладиган имтиёзларни эркин рақобат муҳитига таъсир этмайдиган қилиб белгилаш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвес-торлар учун қулай инфратузилма ва зарур шартшароит яратиш, ижтимоий объектларни халқаро андозалардан келиб чиқиб, фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг доимий фаолият юритишини таъминлаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқарув фаолиятини ташкил этишда халқаро стандартларга мослаштириш;

эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг иштирокчилари билан шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда самарали лойиҳаларни аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларидан кенг фойдаланиш;

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши эркин иқтисодий зоналар фаолиятида бошқарув самарадорлигини оширишни таъминлайди, бошқариш тизимини янада соддалаштиради, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жа-раёнларидаги менежмент тизими такомиллаша-ди ва иқтисодий самарадорликка эришилади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. *World Investment Report 2020. International Production Beyond the Pandemic. United Nations, Geneva, 2020.*
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириши ва амалга оширишинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5717-сонли фармони. // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон.
3. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. – Т.: Baktria press, 2017. 18-б.
4. Ражабов Н.Р. Инвестицион мұхит жозибадорлигини бошқаришни тақомиллаштириш (Навоий ЭИЗ мисолида). // 08.00.13 – Менежмент, и.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати.
5. James R., Hines Jr. Jongsang. Park Investment ramifications of distortionary tax subsidies-Journal of Public Economics. 172 (2019) 36-51, www. elsevier. com/ locate/jriven.
6. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналарнинг таснифланиш назарияси. SERVIS-№ 4. 2017. 15-бет.
7. Смородинская Н. Свободные экономические зоны Вест. ДВО РАН-1993. № 4, 5. С. 3-22.
8. Данкко Т., Окрут З. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Российская экономическая академия им Г. В. Плеханова. – М.: Инфра-М., 1998. Ст. 168.
9. Авдоқушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. – М., 1993.
10. Бабинцев В., Валлиуллин Х. Особые экономической зоны. Российской экономический журнал. 1992. № 9. – 117 с.
11. Shermuhammedov A. Ochiq iqtisodiy mintaqasi. O'zbekiston axborotnomasi-1998-y. № 1 (sentabr, oktabr). – 75 bet.
12. Овчинникова С.Г. Зона свободного предпринимательства. Учебник. – СПб., 1996. Ст. 12-16.
13. Леусский А. Экономика зон свободного предпринимательства. – СПб., 1991. Ст. 11.
14. Комлев Ю. Свободные экономические зоны: зарубежный опыт. – Алма-Ата, 1990. Ст. 31.
15. Игнатов В.Г. Свободные экономические зоны. – М.: Ось-89, 1997 г. Ст. 43-58.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР  
ВА УЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Рузибаева Наргиза Ҳакимовна -**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Инвестициялар ва инновациялар кафедраси  
катта ўқитувчиси

**Хотамқурова Мадина Санжар қизи -**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
3-босқич талабаси

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a16](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a16)

**Аннотация.** Мазкур мақолада республиканинг эркин иқтисодий зоналари (ЭИЗ) таҳлил қилинди ва бир қанча изланишлар олиб борилган ҳолда ушбу соҳадаги инвестицияларнинг роли ўрганилди. Шунингдек, соҳада инвестиция мұхитини яхшилаш орқали инвестиция оқимларини жалб этиши, эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишида технологияларнинг ўрни ҳамда давлат томонидан бу соҳага берилаётган имтиёзлар ва енгилликлар таҳлил қилинди. Бундан ташқари мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди.

**Калим сўзлар:** эркин иқтисодий ҳудудлар, иқтисодиёт, инвестиция, технология, инвестиция лойиҳаси, инвестор, тармоқ.

**СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН  
И ПУТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ В НИХ ИНВЕСТИЦИЙ**

**Рузибаева Наргиза Ҳакимовна -**

Самаркандинский институт экономики и сервиса  
старший преподаватель кафедры "Инвестиции и инновации"

**Хотамқурова Мадина Санжар кизи -**

Самаркандинский институт экономики и сервиса  
студентка 3 курса

**Аннотация.** В данной статье проводится анализ свободных экономических зон (СЭЗ) республики и проводится углубленное изучение роли инвестиций в этой сфере посредством ряда исследований. Также проанализирована роль технологий в привлечении инвестиционных потоков за счет улучшения инвестиционного климата в секторе, роль технологий в дальнейшем процветании свободных экономических зон, а также льготы и привилегии, предоставляемые государством этому сектору. Кроме того, прозвучал ряд предложений по дальнейшему развитию деятельности свободных экономических зон в стране.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, экономика, инвестиции, технологии, инвестиционный проект, инвестор, сектор.